

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА БАРНО НУРУЛЛАЕВНА

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ ТЕРМИНАЛ БОСҚИЧИДАГИ
БЕМОРЛАРДА КАМҚОНЛИКНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Убайдуллаева Барно Нуруллаевна

Сурункали буйрак касаллиги терминал босқичидаги
беморларда камқонликнинг клиник-лаборатор хусусиятлари..... 3

Убайдуллаева Барно Нуруллаевна

Клинико-лабораторные особенности анемии у больных
терминальной стадией хронической болезни почек..... 23

Ubaydullaeva Barno Nurullaevna

Clinical and laboratory features of anemia in patients
terminal stadiey chronicheskoy bolezni pochek..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА БАРНО НУРУЛЛАЕВНА

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ ТЕРМИНАЛ БОСҚИЧИДАГИ
БЕМОРЛАРДА КАМҚОНЛИКНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD /Tib1411 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Даминов Ботир Турғунпулатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаджанова Шаира Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабиров Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» сентябрь куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмасор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. 182 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмасор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» сентябрь _____ да тарқатилди.

(2021 йил «13» сентябрь _____ даги 7 рақамли реестр баённомаси)



А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурлиги. Сурункали буйрак касаллиги (СБК) дунё бўйича тиббий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим муаммо ҳисобланади. Гемодиализга муҳтож беморлар сони тобора ўсиб, ҳар 3 йилда 55-60% га ортмоқда. СБК нинг энг кўп учрайдиган асорати камқонлик ҳисобланиб, у асосий касалликнинг салбий оқибати билан ассоциацияланади, СБК терминал босқичидаги, диализдаги ва дастурий гемодиализда бўлмаган беморларда ҳам ўлим билан яқунланиш даражасини кескин ошишига олиб келади. «...Буйрак анемиясини даволаш самарадорлиги экзоген эритропоззни стимулловчи (ЭПС) агентларни ҳамда темир дори воситасини оғиз орқали ёки парентерал йўл билан юборишга асосланган; ушбу ёндашув, аксарият беморларда юқори самарадорлигига қарамай, ўз камчиликларига ҳам эга. Гемоглобин даражасидаги ўзгаришлар, юрак-қон томир асоратлари хавфининг ортиши, темир танқислиги ва сурункали яллиғланишнинг ривожланиши буйрак етишмовчилиги билан боғлиқ анемия патогенезининг кўшимча омиллари ҳисобланади...»¹. Аммо, бир қатор йирик изланишлар ушбу стратегиянинг хавфсиз бўлмаган хусусиятларини, шу жумладан юрак-қон томир ва тромботик хавф ва ўлим хавфи ошишини кўрсатди. Шу билан бирга, хавф гемоглобиннинг эришилган даражаси билан эмас, балки ишлатиладиган ЭПС дозалари билан боғлиқлиги аниқланди.

Жаҳонда сурункали буйрак касаллиги терминал босқичидаги беморларда камқонликнинг клиник-лаборатор хусусиятларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада дастурлаштирилган гемодиализ негизидаги сурункали буйрак хасталиги бор беморларда камқонликни даволаш бўйича стандарт ёндашув самарадорлиги, беморларда эритропозтинга нисбатан учраши даражасини, камқонликнинг турли хил патогенетик вариантларининг тарқалганлик даражасини, ўтказилган камқонликка қарши даволашда кескин гематологик жавобни учраш даражаси ва башоратловчи мезонларни, унинг патогенетик вариантини белгилаш, даволаш усулини танлаш ва самарадорлигини назорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон стандартларига мослаштириш, сурункали буйрак касаллиги оқибатидаги касалликларни камайтириш ва олдини олиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган «... аҳолига тиббий ёрдам қулайлиги, самарадорлиги, сифатини ошириш, шунингдек ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари тадбиқ этиш, самарали патронаж моделларини яратиш орқали касалликларни олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб

¹ К.А.Айтбаев, И.Т. Муркамилов, В.В.Фомин. Нефрогенная анемия: новые физиологические подходы к терапии на основе имитации гипоксических ответов Альманах клинической медицины. 2017.- №7.Т.45.С.565-574

килиш...»². Шундан келиб чиққан ҳолда сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичидаги беморларда камқонликнинг клиник лаборатор хусусиятларини баҳолаш қўллаш орқали самардорлигини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда турли мамлакатларда дастурий гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги (ГСБК) негизидаги камқонлик билан оғриган беморларни бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича клиник ва илмий-экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маълумки, ГСБК билан касалланган беморларда камқонлик ривожланишининг асосий патогенетик механизми эндоген эритропоэтинни етишмовчилиги ҳисобланади ва ушбу модда кашф этилганидан бери уни қўллаш имконияти ва самардорлигини, юрак-қон томир тизимидаги етишмовчиликлар, ўсма касалликлари, неврологик бузилишлар, қон томирларининг тромбози ва гиперкоагуляция каби қайд этилиши мумкин бўлган хавфларни эътиборга олган ҳолда, ЭПС ўрнини босувчи давонинг мақсадга мувофиқлиги ўрганиб келинмоқда. Ренал эритропоэтин 1953 йилда ажратиб олинган, ўрганилган ва клиникада қўллаш учун тавсия этилган, кейинчалик эритропоэтин гени ажратиб олинганидан кейин рекомбинант ЭПС асри бошланди, унинг таъсирида пролиферацияни, эритроид ўсиш соҳасининг ўзак хужайралари дифференциациясини стимулланиши ҳамда апоптозни олдини олиши исботланди (Elliott et al., 2008; Lodish et al., 2010). ЭПС га боғлиқ равишда гемоглобин концентрациясини ортиши билан бир вақтда беморларнинг аҳволи сезиларли яхшиланди (Evans et al., 1990) ҳамда ушбу дори воситаси гемоглобин ва гематокритнинг мақсадли даражасига кўтаришда қўллаш учун тавсия этилди (National Kidney Foundation Dialysis Outcomes Quality Initiative

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрь 5590-сонли “ Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

(NKF-DOQI, 1997; Ma et al., 1999). Аммо кейинчалик ЭПС негизида беморларда парциал қизил хужайравий аплазиянинг ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам чоп этилди (Bennett et al., 2004), сўнгра ўтказилган CHOIR (Singh et al., 2006) ва CREATE (Drueke et al., 2006) тадқиқотларида ЭПС ни қўллаш негизида юрак-қон томир тизимидаги бузилишларнинг ривожланиш хавфини ортиши ҳамда ГСБК бўлган беморларда гемоглобин миқдорининг меъридан ортиб кетиши аниқланди. 1000 нафар СБК IV-V босқичида бўлган беморларда олиб борилган тадқиқот натижалари чоп этилди (Lammerich et al., 2016), унга кўра, юқори миқдордаги ЭПС қўлланилганида юрак-қон томир тизимидаги бузилишлар хавфининг ортиши тўғрисида маълумот берилди ҳамда дори воситасини минимал миқдорда қўллаш ва гемоглобин даражасини 10,7-11,47 г/дл да ушлаб туриш тавсия этилди. ГСБК бўлган беморларда камқонлик ривожланишида бир вақтда кўплаб механизмларининг мавжудлиги беморларни бошқариш тактикасини ишлаб чиқишни қийинлаштиради (Suchdev P.S., 2017, Jairam A., 2010). Бундан ташқари, турли хил механизмларнинг ўзаро таъсири умумқабул қилинган патогенетик маркерларнинг ташхис қўйишдаги аҳамиятини пасайтиради (Nakanishi T., 2010, Formanowicz D., Formanowicz P, 2012, Gaweda A.E., 2017).

Ўзбекистонда ҳам сурункали буйрак касалликлари муаммолари, хусусан, камқонликни олдини олиш ва темир алмашинуви ҳолатини ҳисобга олган ҳолда беморларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқиш муаммолари билан шуғулланилмоқда. Мамлакатимизда бир қатор олимлар сурункали буйрак етишмовчилиги муаммоси бўйича тадқиқотлар олиб боришган (Собиров М.О., 2017; Абдуллаев Ш.С., 2017; Даминов Б.Т., 2016, 2018, 2020; Эгамбердиева Д.А., 2020; Каримов М.М., 2015; Жаббаров О.А., 2020; Акалаев Р.Н., 2021), сурункали буйрак касалликларининг терминал босқичидаги беморларда камқонликнинг клиник лаборатор хусусиятларини такомиллаштирилмаган.

Ренал камқонликни ва уни коррекциялаш усулларини сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичидаги гемодиализ олаётган беморларда ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боришни тақоза қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Буйрак сурункали касалликларининг замонавий ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2018 йй)

Тадқиқотнинг мақсади камқонлик шаклланишининг патогенетик механизмларини ўрганиш асосида диагностик ва терапевтик ёндашувларни ва гемодиализ даволанишини оловчи сурункали буйрак касаллиги терминал

босқичида бўлган беморлар учун бошқариш алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дастурлаштирилган гемодиализ негизидаги СБК билан хастланган беморларда камқонликни даволаш бўйича стандарт ёндашув самарадорлигини баҳолаш;

дастурлаштирилган гемодиализ негизидаги СБК билан хасталанган беморларда эритропоэтинга нисбатан учраши даражасини баҳолаш;

дастурлаштирилган гемодиализ негизидаги СБК бўлган беморларда камқонликнинг турли хил патогенетик вариантларининг тарқалганлик даражасини ўрганиш ҳамда ташхислаш ёндашувини ишлаб чиқиш;

ўтказилган анемияга қарши давога нисбатан кескин гематологик жавобни учраш даражаси ва башоратловчи мезонларни баҳолаш;

дастурлаштирилган гемодиализ негизидаги СБК билан оғриган беморларда анемияни аниқлаш, унинг патогенетик вариантыни белгилаш, даволаш усулини танлаш ва самарадорлигини назорат қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббий марказида 2018-2020 йилларда дастурлаштирилган гемодиализдаги СБК V босқичи негизидаги камқонлик билан хастланган 120 нафар беморлар ҳамда 20 нафар амалий соғлом бўлган кўнгиллилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида даволаш жараёнидаги дастурлаштирилган гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги негизидаги камқонлик билан хастланган беморларнинг қоннинг гематологик, биокимёвий таҳлиллари мочевина, креатинин, умумий оқсил, коптокчалар фильтрацияси тезлигини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда сурункали буйрак касалликларининг терминал босқичидаги беморларда камқонликнинг клиник лаборатор хусусиятларини такомиллаштиришда клиник, гематологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба республикада гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги беморларда камқонликнинг анъанавий даволашга нисбатан турли хил жавобнинг учраш даражаси 72,5% беморларда камқонликнинг анъанавий даволашга нисбатан етарлича жавоб кузатилмаганлиги ҳамда 12,5% беморларда давога нисбатан кескин гематологик жавоб кузатилганлиги асосланган;

кескин гематологик жавобнинг предикторлари—белгилар тўплами гемодиализ давомийлигининг 24 ойгача бўлиши, эритроцитларнинг ўртача ҳажми 86,6fl ва ундан юқорилиги, етук бўлмаган тромбоцитлар улушини 2,4% ва ундан ортиқлигига асосланган;

гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда камқонлик шаклланишининг йўлдош механизми сифатида темир етишмовчилиги предикторлари, гемодиализ давомийлигининг 24 ойдан ортиқ бўлиши, гемоглобин концентрациясининг даволаш бошланиш вақтида 8,3 г/дл дан пастлиги исботланган;

темир ва эритропоэзни стимулловчи дори воситалари билан стандарт даволаш негизида гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда камқонлик шаклланишини патогенетик вариантларининг турли хил белгилари асосланган;

дастурлаштирилган гемодиализ негизидаги СБК билан оғриган беморларда анемияни аниқлаш, унинг патогенетик вариантыни белгилаш, даволаш усулини танлаш ва самарадорлигини назорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги негизидаги анемияли беморларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

беморларни бошқариш алгоритмини қўллаш динамик назорат жараёнида беморларни бошқариш тактикасини индивидуаллаштириш ва қулайлаштириш ҳамда камқонликнинг нохуш асоратларини ва давонинг ноҳўя таъсирларини минималлаштириш имконини берган.

гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги негизидаги камқонлиги мавжуд беморларни ҳар ойда гематологик назоратлаш ва даволашни коррекциялашдан иборат бўлган бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, гематологик, биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичидаги беморларда камқонликнинг клиник лаборатор хусусиятларини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шундаки, дастурлаштирилган гемодиализ негизида сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда камқонликни даволаш бўйича анъанавий ёндашув самарадорлигини асослаш, эритропоэтин пайдо бўлишининг учраш даражасини ўрганиш, ташхислаш ёндошувларини ишлаб чиқилиши даволаш йўналишдаги мутахассислар учун назарий асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги негизида камқонлик бўлган беморларни бошқариш тактикаси қулайлаштирилган, ушбу тадқиқотни бажариш

давомида шакллантирилган тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш, гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги негизидаги анемияли беморларни бошқариш тактикасини такомиллаштириш ҳамда ножўя тугалланиш оқибатлари ривожланиш хавфини камайтириш беморлар яшаш сифатини яхшилаш ҳамда даволашнинг иқтисодий ҳаражатини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичидаги беморларда камқонликнинг клиник лаборатор хусусиятларини баҳолашда олинган илмий натижалар асосида:

сурункали буйрак касалликларининг терминал босқичидаги беморларда камқонлик касаллигини баҳолаш натижалари асосида «Дастурлаштирилган гемодиализ олаётган сурункали буйрак касалликлари бўлган беморларда камқонликга қарши даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-д/276-сон маълумотномаси). Натижада камқонликнинг эндоген эритропоэтин етишмовчилигидан ташқари, йўлдош патогенетик механизмлари белгиларини баҳолашга йўналтирилган доимий гематологик текширувни ўтказиш, стандарт даवони ҳамда камқонликнинг ёндош механизмларига йўналтирилган чора-тадбирларни коррекциялаш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги билан хастланган беморларни гемодиализли даволаш натижалари асосида «Дастурлаштирилган гемодиализли даво олаётган сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда камқонликни қиёсий ташхисоти» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-д/276-сон маълумотномаси). Натижада ҳар ойдаги динамик назоратни олиб бориш ва камқонликка қарши даволаш тартибини коррекциялаш имконини берган;

гемодиализ олаётган сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичидаги беморларда ренал камқонликни асослаш ва уни коррекциялаш йўллари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилоятининг кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтининг сунъий трансплантология бўлимининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 07 майдаги 8н-з/96-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни клиник амалиётга тадбиқ этиш гемодиализдаги сурункали буйрак касаллиги негизидаги камқонлик бўлган беморларда даволаш сифатини яхшилаш, беморларнинг шифохонада бўлиш давомийлигини камайтириш, беморларнинг яшовчанлик имкониятларини ошириш ва ўлим хавфини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда зарурлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси, тадқиқотнинг объект ва предмети ёритилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясининг етакчи йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши очиб берилган, натижаларга асосланиб чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касалликларининг терминал босқичидаги беморларда камқонликнинг клиник-лаборатор хусусиятларини замонавий интерпретацияси**» деб номланган биринчи бобида урта кичик бўлимдан иборат бўлиб, СБК бўлган беморларда анемия патофизиологияси ва эпидемиологияси, жумладан, ГСБК бўлган беморларни назоратлаш тактикаси бўйича замонавий қарашлар, ЭПС ва темир ўрнини босувчи даволаш, анемияни ҳамда анъанавий давога нисбатан резистентликни кучайтирувчи йўлдош омилларни даволаш чоралари ва патологиянинг мураккаб хусусияти ва камқонликни кучайтирадиган ва анъанавий давога қаршиликни ривожланишига ҳисса қўшадиган омилларни тузатиш чоралари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буйрак сурункали касалликларининг терминал босқичидаги беморларда камқонликнинг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш тадқиқотининг материал ва усуллари**» иккинчи бобида тадқиқот материалини ташкил этган беморларнинг клиник тавсифи, текширувнинг лаборатор усуллари келтирилган. Тадқиқотга Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий маркази базасида дастурлаштирилган гемодиализ оладиган 120 нафар СБК V ва камқонлик бўлган беморлар ҳамда 20 нафар (назорат гуруҳи) соғлом кўнгиллилар киритилди. Беморлар эркалар – 64 нафар, 53%, ўртача $54,52 \pm 12,99$ ёшда бўлди, дастурий гемодиализ қабул қилиш даври ўртача $25,63 \pm 21,01$ ойни ташкил қилди. Қондаги креатинин даражаси $675,61 \pm 223,17$ мкг/л, мочевина – $25,60 \pm 15,38$ ммоль/л, умумий оксил– $50,25 \pm 4,98$ г/л қийматида бўлди.

Тадқиқотга гемоглобин концентрациясини 10 г/дл дан паст бўлиши кўрсатма бўлди. Бирламчи кўриқдан сўнг беморларнинг барчаси камқонликни даволаш мақсадида режали таркибда темир сақловчи дори воситасини 1 та таблеткадан суткасига 1 маҳал ичишди ҳамда ЭПС (рекомбинант эритропоедин-бета) 50ХБ/кг в/и гемодиализнинг ҳар бир муолажасидан сўнг қабул қилишди. Беморлар камқонлик борлигига ҳамда унинг тавсифига текширилди. Умумий таҳлил ўтказиш учун вена қони олинди. Бунда окма цитометрия SYSMEX (Япония) ускунасидан фойдаланилди. Қоннинг хужайравий таркибининг миқдори ва тавсифи, жумладан турли хил етукликдаги ретикулоцитлар, ядро тутувчи эритроцитлар, етук бўлмаган тромбоцитлар баҳоланилди, Бундан ташқари, зардобдаги темир, ферритин ва трансферин концентрацияси ўрганилди. Гемодиализ муолажаси ҳар 3 кунда ўтказилди. Гемодиализ муолажаси бошланишидан аввал текширувга қон олинди. Референт қиймат сифатида соғлом кўнгиллилар когортидан олинган ишонч интервали 95% оралиғида бўлган лаборатория маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотга киритилганидан бир ойдан сўнг барча беморларда қайтадан гематологик таҳлил ўтказилди, олинган натижаларга асосланиб беморлар икки гуруҳга ажратилди; 1-гуруҳ – гемоглобин даражаси 12г/дл ва ундан юқори бўлган (яхши гематологик жавоб) ва 2-гуруҳ 12г/дл дан паст бўлган (етарлича гематологик жавоб кузатилмаган беморлар). 1-гуруҳ беморлари яна кичик гуруҳларга ажратилди; адекват гематологик жавоб кузатилган (гемоглобин 12-13г/дл, 1а гуруҳча) гуруҳ вакилларида камқонликнинг давоси бирламчи схемага асосланиб давом эттирилди; кескин яхши жавоб кузатилган гуруҳча (гемоглобин 13г/дл дан юқори, 1б гуруҳча), вакилларида ЭПС миқдори ҳафтасига 50 ХБ/кг гача камайтирилди, гемоглобин миқдори 14г/дл дан юқори бўлган беморларда – ЭПС тўхтатилди. 2-гуруҳ беморлари камқонлик ривожланишига олиб келувчи қўшимча механизмларга асосланиб гуруҳчаларга ажратилди: 2а гуруҳчага гипохромли ва микроцитар анемия (темир етишмовчилиги) бўлган беморлар киритилди ҳамда ушбу гуруҳча беморларида темир дори воситасини қўллаш вена ичига юборишга алмаштирилди (гемодиализнинг ҳар бир муолажасида инфузия қилинди); 2б гуруҳча –гиперхром ва макроцитар анемия (гемопоз кофактор етишмовчилиги – витамин В12 ва фолий кислотаси, ушбу беморларда даво схемасига қўшимча равишда витамин В12 (мушак орасига инъекция кўринишида) ва фолий кислотаси (суткасига 2мг дан ичишга) киритилди; 2в гуруҳчага ретикулоцитлар миқдори ва улуши ошган беморлар киритилди (гиперрегенераторли анемия, гемолитик), беморларнинг ушбу гуруҳчасида камқонликга қарши даволаш билан бир қаторда, мочевиначининг диализли клиренсининг катта қийматига эришиш мақсадида гемодиализ коррекцияси ўтказилди; 2г гуруҳчага лейкоцитоз ва нейтрофилез кузатилган беморлар киритилди (фаол инфекцион-яллиғланиш жараёни), ушбу гуруҳча беморларига қўшимча равишда нефротоксик таъсирга эга бўлмаган кенг

спектрдаги антибиотиклар қўшилди; 2д гуруҳчага трансферин даражаси паст бўлган беморлар киритилди (анаболик етишмовчилик), ушбу беморлар даволаш схемасига ретаболит инъекцияси м/о қўшилди.

Назорат текширувлари кузатувнинг 2- ва 3- ойида ўтказилди. Олинган натижаларга қиёсий таҳлил давомида ишлов берилди ва унга асосланиб камқонлик бўлган ГСБК бўлган беморларни назоратлаш алгоритми шакллантирилди.

Барча маълумотлар бирлаштирилган Excel жадвалига киритилди, кейинчалик ўртача арифметик қиймат, унинг стандарт оғиши ва гуруҳлараро фарқ (иккала гуруҳ учун жуфт бўлмаган Стъюдент мезонидан фойдаланилди) ҳисоблаб топилди. 2 тадан ортиқ гуруҳни қиёслаш зарур бўлган ҳолатларда 3 ва ундан ортиқ қиёслар учун Бонферон тузатиши билан Стъюдент мезонидан фойдаланилди. Нопараметрик белгиларнинг учраш даражасини гуруҳлар ўртасидаги фарқини аниқлаш мақсадида хи квадрат жадвал мезонидан эркинликларнинг миқдорий даражасига боғлиқ равишда қўлланилди.

Диссертациянинг «**ГСБК бўлган беморларнинг гематологик кўрсаткичларини даво негизида ўзгариши**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг клиник ва гематологик хусусиятлари ҳамда ўтказилган даво негизида гемограмма динамикаси ёритилди.

ГСБК бўлган беморларда мочевина ва креатининнинг юқори концентрацияси (беморларни тадқиқотга киритишга кўрсатма бўлган) билан бир қаторда қонда умумий оксил даражасини референт қийматларга нисбатан пасайиши аниқланди ва бу буйрақларнинг функционал ҳолатини бузилишига боғлиқ бўлган – альбуминга нисбатан гломеруляр ўтказувчанликнинг ошиши ва канал реабсорбциясини пасайиши қайд этилди.

ГСБК бўлган беморларда гемоглобин ва гематокритни референт қийматларга нисбатан пасайиши билан бир қаторда эритроцитлар миқдорини пасайиши аниқланди ва бу эритроцитлардаги гемоглобиннинг ўртача миқдори ва концентрацияси, уларнинг меъерий қийматлари доирасидаги ҳажмини пасайиши билан белгиланади. Келтирилган маълумотлар СБК негизидаги камқонликга нормоцитар ва нормохром тавсиф хос эканлигини тасдиқлайди. Аммо, эритроцитлар ҳажмининг оғиши анизоцитознинг миқдорий белгиси ҳисобланади ва бу оғир камқонлик туфайли гемопоззни тезлашишига хосдир. Ретикулоцитларнинг нисбий улушини ортиши билан бир қаторда унинг мутлоқ миқдорини референт қиймат даражасида бўлиши ҳам гемопоззнинг тезлашишидан далолат беради. Бунда периферик қонда ретикулоцитлар ўртасида юқори флуоресценцияга эга хужайралар улушини, шу билан бирга ядро тутувчи эритроцитлар миқдорини ортиши ҳам тезлашган эритропозздан далолат берди. ГСБК бўлган беморларда лейкоцитлар миқдори ҳамда унинг субпопуляцияси нисбати референт қийматлар чегарасида бўлди. Тромбоцитлар, тромбоцит миқдори, етилмаган ва йирик тромбоцитлар улуши, уларнинг тақсимланиш кенлиги (анизоцитознинг тромбоцитар эквиваленти) меъёрда бўлди. ГСБК бўлган

беморларда ЭЧТ юқори бўлди ва бу яллиғланиш фаоллиги билан бир қаторда қоннинг оқсил таркиби бузилганлигини акс этди.

Қон зардобда темир ва ферритиннинг меъерий концентрацияси темир метаболизми параметрларини намоён қилди ҳамда ГСБК бўлган беморлардаги камқонликга эритроцитларда темирнинг меъерий миқдорда бўлиши хослигини тасдиқлади (1-жадвал). Аммо, зардобда темир ва трансферрин концентрациясининг меъерий қиймати негизида ферритин концентрациясини сезиларли даражада юқори бўлиши аниқланди ва буни яллиғланиш реакцияси фаоллиги билан боғлаш мумкин, чунки ушбу оқсил яллиғланиш олди цитокинлари таъсирида гепатоцитларда синтезланади.

Бирламчи кўриқдан сўнг кузатувдаги барча беморларга темир сақлаган дори воситаси (ичишга) ва ЭПС (гемодиализнинг ҳар бир муолажасидан сўнг эритропоедин-бета 50ед/кг миқдорда) буюрилди. 1 ойдан сўнг назорат гуруҳидаги барча беморлар қонида гемоглобинни 19,4% га, гематокритни 17,24% (иккала кўрсаткичнинг бошланғич маълумотларга нисбатан ишонарли фарқи $p < 0,001$) га ишонарли тарзда ортиши кузатилди, бундан ташқари эритроцит миқдорини 15,68% ($p < 0,001$) ортиши аниқланди. Эритроцитдаги гемоглобиннинг ўртача миқдори ва ўртача концентрацияси ошишга мойилликни кўрсатди – ушбу қиймат статистик жиҳатдан ишонарли бўлди, аммо клиник жиҳатдан аҳамиятли бўлмади (мувофиқ равишда 4,15% ва 1,68%га, иккала кўрсаткич учун $p < 0,05$).

1-жадвал

Анемия бўлган ГСБК ли беморларда феррокинетик кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткич	Референт қиймат	Назорат гуруҳи	ГСБК ва анемия (n=120)			
			бошланғич	1 ой	2 ой	3 ой
темир, мкмоль/л	6,6-26	11,75 ±4,52	14,65 ±10,28	15,97±9,60	438,16±4285,74	18,04±7,92***
ферритин, нг/мл	5-148	18,97 ±0,97***	785,6 ±645,5	1004,12±540,61*	964,25±518,20	925,22±500,10
трансферин, г/л	2,02-3,64	3,42 ±0,08***	2,13±0,95	1,85±0,73*	2,33±0,42	2,40±0,47*

Илова: * - бошланғич маълумотларга нисбатан ишонарли фарқ. Битта белги – $p < 0,05$, иккита белги - $p < 0,01$, учта белги - $p < 0,001$.

Гемопоз фаоллашувини ретикулоцитлар миқдорини 36,25% ($p < 0,001$) га ортди, аммо эритроцитларнинг мутлоқ сонини кўтарилиши негизида ретикулоцитларнинг нисбий улуши бошланғич қийматга мувофиқ бўлиб қолди. Ретикулоцитлар янада тўйинган бўлди – эритроцитларда гемоглобин эквиваленти 7,25% га ошди ($p < 0,001$).

Шу билан бирга базофилларнинг нисбий улушини ортиши ($p < 0,01$) билан лейкоцитларнинг умумий миқдори 9,23% га ($p < 0,05$) кўтарилди. Тромбоцитларнинг умумий миқдори 1,64% га камайди ($p < 0,05$), аммо

тромбоцит 1,73% га кўтарилди ($p < 0,05$), бу эса ушбу оғишларнинг клиник аҳамиятга эга эмаслигини тасдиқлайди.

Гемопозга темир моддасини киришини ошишига нисбатан жавоб сифатида трансферин концентрацияси 13,15% га пасайди ($p < 0,05$).

Ўтказилган анъанавий камқонликга қарши даводан 1 ойдан сўнг тадқиқотга киритилган барча беморлар қонида гемоглобинни эришилган даражасига мувофиқ равишда гуруҳларга ажратилди. Сақланиб қолган камқонликли беморлар 87 кишини ташкил этди (анъанавий миқдордаги ЭПС га нисбатан резистентлик бўлган 72,5% беморлар), қолганлари қонида гемоглобиннинг эришилган миқдори 12г/дл ва ундан юқорини ташкил этди (33 нафар беморлар – 27,5%). Камқонликга қарши анъанавий стандарт давога нисбатан жавобга боғлиқ равишда тақсимланган беморларнинг ретроспектив таҳлилида, ЭПСнинг стандарт схемаси негизида камқонликни сақланиб қолиши давомий гемодиализли анамнезга боғлиқ ($p < 0,05$). Тадқиқот гуруҳидаги беморларда дастурлаштирилган гемодиализ давомийлигининг медианаси 24 ойни ташкил этди. Гемодиализ давомийлиги 24 ой ва ундан юқори бўлган беморларнинг (79 нафар киши) 13 нафарида (16,46%) ҳамда гемодиализ давомийлиги 24 ойдан кам бўлган беморларнинг (41 нафар) – 20 нафарида (48,78%, хи квадрат=13,96, $p < 0,001$) биринчи ойнинг охирига келиб гемоглобин 12г/дл ва ундан юқorigа етди. ГСБК негизидаги дастурлашган гемодиализ давомийлиги 24 ой ва ундан юқори бўлган анемияли беморларда анемияга қарши давога нисбатан резистентликнинг нисбий хавфи (НХ) 2,96 ($p < 0,001$) ташкил қилди.

Қон зардобидида темир ва трансферин концентрацияси даводан кейин ҳам сақланиб қолган анемияга боғлиқ равишда фарқ қилмади, шу билан бир вақтда давога нисбатан жавоб кузатилган беморларда даводан 1 ойдан кейин феритин концентрацияси статистик ишонарли равишда юқори бўлди ($p < 0,001$).

Диссертациянинг «**Даводан бир ойдан кейин кескин гематологик жавоб кузатилган ГСБК бўлган беморларда камқонликга қарши давони коррекциялаш**» деб номланган тўртинчи бобидида ГСБП негизидаги камқонликга қарши анъанавий давога нисбатан қоникарли натижа кузатилган беморларда текширилган барча параметрларнинг 3 ойлик динамикаси ёритилган.


ГСБК негизида камқонлик билан оғриган беморларда бир ой давомидида перорал темир препаратлари ва рекомбинант эритропозетин беттани 50 ХБ/кг миқдорда ҳафтасига икки марта қўллаш беморлар периферик қонида гемоглобинни 12 г/дл гача ортишига олиб келди ва бу бизнинг тадқиқотда бу 27,5% ташкил этди. Эритропозетинни қўллашда гемоглобиннинг юқори концентрациясини хавфи эътиборга олиниб (онкологик ва кардиоваскуляр) давога нисбатан жавоб кузатилган барча беморлар икки гуруҳга ажратилди: давога нисбатан адекват жавоб берган ҳамда даволаш схемаси давом эттирилган гуруҳ (18 нафар бемор - 15,0%), ва кескин жавобга эга бўлган

гуруҳ (15 нафар бемор - 12,5%), улар учун эритропоедин дозаси икки баробарга камайтирилди.

Ўтказилган қиёсий тадқиқотга кўра, анъанавий камқонликга қарши давога нисбатан кескин гематологик жавоб бўлган беморлар эритроцитларнинг ўртача ҳажмини юқори ($p < 0,05$) бўлиши, етук бўлмаган тромбоцитлар миқдорининг юқорилиги ($p < 0,05$) ҳамда ферритин ($p < 0,05$) ва трансферриннинг ($p < 0,05$) юқори концентрацияси билан даволашга адекват жавоб кузатилган беморлардан бошиданоқ фарқ қилиб келган.

Бир ой давомида ўтказилган анъанавий камқонликга қарши даводан сўнг иккала гуруҳда ишонарли равишда қонда эритроцитлар миқдори, гемоглобин концентрацияси ва гематокрит даражасини ортиши кузатилди ($p < 0,001$ иккала гуруҳда уччала параметрлар бошланғич қийматларга нисбатан ишонарли фарқ қилди). Бунда, даволашга нисбатан кескин жавоб кузатилган беморлар гуруҳида кўрсаткичларнинг нисбий динамикаси (расм 1) яққол кўзга ташланди (эритроцит миқдори ва гематокрит даражаси кўрсаткичларининг нисбий динамикасини гуруҳлар ўртасидаги фарқи $p < 0,001$ ҳамда гемоглобин концентрацияси кўрсаткичи бўйича $p < 0,01$).

Кескин жавоб гуруҳида даволаш схемасини коррекциялаш эритроцитлар миқдорини, гемоглобин ва эритроцит даражасини иккала қиёсий гуруҳларда даволашнинг 2 ва 3 ойларида ҳамда эритроцитларнинг нисбий оғиш кўрсаткичини даволашнинг 3-ойига келиб қиёслашга имкон берди.



Изоҳ: ^ - гуруҳлар ўртасидаги ишонарли фарқ. Битта белги – $p < 0,05$, иккита белги - $p < 0,01$, учта белги - $p < 0,001$.

1-расм. ГСБК бўлган беморларда ўтказилган антианемик давога нисбатан кузатилган адекват ва кескин жавобда эритроцитар ўсиш кўрсаткичининг ойлик нисбий динамикаси

Диссертациянинг «ГСБК бўлган беморларда эритропоединга нисбатан резистентликнинг патогенетик механизмларини ташхислаш» номли бешинчи бобида ГСБК бўлган беморларда анемияни шаклланишига олиб келувчи йўлдош механизмлар мавжудлигини белгиловчи бузилишларга

боғлиқ равишда анемияга қарши даволашни коррекциялашга индивидуал ёндошувнинг гематологик самарадорлигини ўрганиш натижалари ёритилган.

Камқонликга қарши анъанавий даволашга нисбатан резистентлик бўлган беморлар орасида кузатувнинг биринчи ойи охирида эритроцитларнинг ўртача ҳажми кўрсаткичининг паст даражаси бўлган беморлар гуруҳи (ретроспектив таққослаш) аниқланди – 12 нафар бемор (ГСБК негизида анемияга чалинган барча беморларнинг 10%). Даволашдан аввал ҳам ушбу гуруҳ беморлари анемияга қарши давога нисбатан резистентлик бўлган бошқа беморлардан қонда гемоглобин ва гематокритнинг паст даражаси билан ажралиб турганлиги аниқланди (мувофиқ равишда $p < 0,01$ ва $p < 0,05$). Гуруҳлар ўртасида ўрганилган бошқа кўрсаткичлар бўйича фарқ кузатилмади.

